

"Оила муқаддас даргоҳ, уни асраш авайлаш ҳаммани бурчи"



Бугун, 26 май куни туман Маданият ва туризм бўлимида Оила ва хотин-қизлар туман бўлими, туман Адлия бўлими, туман Ички ишлар бўлими, Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро суди, Шеробод туманлараро иқтисодий суди, Шеробод жоме масжиди ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари билан ҳамкорликда тумандаги ажрим ёқасидаги 72 та низоли оилаларнинг муаммосини ўрганиш, улар билан суҳбатлашиб, ярашиш учун имкон бериш мақсадида “Ажрим ечим эмас” мавзусида учрашув ўтказилди.

Шундан сўнг ҳар бир оила билан алоҳида суҳбат ўтказилиб, уларнинг муаммолари ўрганилди. Энг ачинарлиси, ўртада норасида гўдаклар бўла туриб, оилани бузишга арзимайдиган сабаблар билан ҳам ажрашмоқчи бўлган жуфтликларнинг борлигидир. Суҳбатлар давомида 14 та оила яраштирилди ҳамда вакилларига тушунтиришлар, оилани сақлаб қолиш, оилавий муаммоларнинг ечими борасида таклиф ва тавсиялар берилди.